

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил 10 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар судининг биносида очиқ суд мажлиси бўлиб, шу суднинг раиси Н.Ашуровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Туйчиевнинг котиблигида, тарафлардан Шаҳрисабз шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Рўзиев, судланувчи З.М, унинг химоячиси - адвокат З.Бекмуродова ҳамда жабрланувчи О.Знинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми билан судланувчи М З Мга оид жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

М.З.М - XXXX йил XX июнь куни Шаҳрисабз туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланмаган, ногиронлиги йўқ, давлат мукофотлари олмаган, мавсумий ишчи, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, Шаҳрисабз тумани, “Т” МФЙ, Т қишлоғида яшовчи, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 30 октябрь куни олганга оид 1-XXXX-XXXX/XXX-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қўйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи З.М 2025 йил 4 октябрь куни Шаҳрисабз шаҳар “Б” маҳалласи ҳудудида жойлашган “О.Я” МЧЖ озик-овқат бозорига бориб, у ерда жойлашган овқатланиш жойига кирган вақтида ўзи билан бир жойда овқатланган Қамаш тумани “Қ.Қ” МФЙ, Қ.Қ қишлоғида яшовчи фуқаро О.З “Samsung A25” русумли телефон аппарати ва унинг ғилофи орқа тарафида турган 100 АҚШ долларини стол устида қолдириб чиқиб кетганида, атрофдаги бошқа кишиларнинг ўз ишлари билан шуғулланиб турганидан фойдаланиб, фуқаро О.Зга тегишли “Samsung A25” русумли телефон аппарати ва унинг ғилофи орқа тарафида турган 100 АҚШ долларини яширин равишда талон-тарож қилиб, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинган.

Шаҳрисабз шаҳар ИИБ ЖКБ ҳодимлари томонидан олиб борилган тезкор текширув ҳаракатлари давомида ушбу жиноятни З.М содир қилганлиги аниқланиб, О.Зга тегишли бўлган “Samsung A25” русумли телефон аппарати ва 100 АҚШ доллари тегишли тартибда расмийлаштириб олинди, тилхат орқали эгаси О.Зга қайтарилган.

З.М Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Судланувчи З.М судда, 2025 йил 4 октябрь куни Шаҳрисабз шаҳар “Б” маҳалласи ҳудудида жойлашган “О.Я” МЧЖ бозорига озик-овқат маҳсулотлари олиш мақсадида бориб, бозорлик қилиб, уйига кетмоқчи



бўлганида вояга етмаган қизи қорни очганлигини айтгач бозор ичидаги овқатланиш жойига киришиб, бир столда ўтиришганини, унинг ёнида кейинчалик таниган О.З ҳам ўтириб овқатланиб, сумкасида “Samsung A23” русумли телефон аппаратини чиқариб стол устига қўйгани, телефон аппаратининг ғилофи орқа тарафида 100 АҚШ доллари ҳам борлигини кўргани, бироз вақт ўтиб О.З шошиб туриб кетгани, унинг телефон аппарати стол устида қолгани, бундан фойдаланиб “Samsung A23” русумли телефон аппарати ва 100 АҚШ долларини олиб сумкасига солиб овқатланиш жойидан чиқиб кетгани, кейин ушбу телефон аппаратини ўчириб қўйгани, кейинчалик ИИБ ходимлари ушбу жиноятни содир қилганини аниқлашиб, ундан уяли телефон аппаратини ва 100 АҚШ долларини ашёвий далил сифатида қайтариб олишгани, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган жиноятининг оқибатини тўлиқ англаб етгани, жабрланувчидан кечирим сўраю, унга тегишли “Samsung A23” русумли телефон аппарати ва 100 АҚШ долларини ўз ихтиёри билан қайтариб бериб, жабрланувчига етказилган зарарларни бартараф қилгани, у билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олгани, суд томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 583-моддаси 5-қисми талаблари, яъни ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлигинини маълум қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тутатиш тўғрисида ариза тақдим қилди.

Жабрланувчи О.З судда, судланувчи З.Мни шу иш юзасидан танигани, унга нисбатан адовати йўқлиги, 2025 йил 4 октябрь куни Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган “О.Я” бозорига озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш мақсадида турмуш ўртоғи С.Буриев ва вояга етмаган набираси билан бирга боришгани, турмуш ўртоғи С.Буриев унга синглисининг тўёнасига деб 100 АҚШ доллари берган бўлгани, ушбу 100 АҚШ долларини ўзига тегишли “Samsung A23” телефон аппарати ғилофининг орқа томонига солиб қўйиб, бозорлик қилиб бўлиб, “О.Я” бозоридаги овқатланиш жойига кириб овқатланишгани, улар билан бир столда нотаниш бир аёл кейинчалик таниган З.М ҳам вояга етмаган фарзанди билан ўтиргани, “Samsung A23” телефон аппаратини стол устига қўйгани, овқатланиб бўлиб ошхонадан чиқиб, турмуш ўртоғи С.Буриевга телефон қилмоқчи бўлиб, сумкасига қараганида телефон аппарати йўқлигини билиб, ошхонага қайтиб кирганида телефон аппарати қолдирган жойида йўқлигини кўргани, шундан сўнг ошхонадаги видео кузатув камерасини кўздан кечирганида телефон аппаратини улар билан бирга ўтирган аёл З.М ўғирлаб олиб кетганини кўриб, Қашқадарё вилоят ИИБнинг 102 қисқа рақамига бу ҳақда хабар қилгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари томонидан З.М топилиб, ундан унга тегишли уяли телефон аппарати ва 100 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олингани, ҳозирги кунда З.М айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, унга етказилган зарарларни



тўлиқ қоплаб бергани, шу сабабли у билан бирон-бир тазйиксиз ярашгани, суд томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 583-моддаси 5-қисми талаблари, яъни ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганини маълум қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатиш тўғрисида ариза тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддасида, Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлиб, етказилган зарарни тўлиқ қопласа, жабрланувчи билан ярашса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 585-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ярашиш тўғрисидаги аризалар ихтиёрий равишда ёзилганлигини, судланувчи З.М илгари судланмаган бўлиб, айбига иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи О.Зга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, унинг судланувчи З.Мга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан айблилик масаласини ҳал қилмасдан тугатишни, унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни, ашёвий далил - “Samsung A25” русумли телефон аппарати ва 100 АҚШ доллари жабрланувчи О.Зга тилхат орқали қайтарилганлигини қайд этишни, ҳодиса жойида ўрнатилган кузатув камерасидан олинган видеотасвир туширилган бир дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни сақлашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 583, 586-моддаларини қўллаб, суд,

а ж р и м қ и л д и:

М.З.М - жабрланувчи З.О.З билан ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига асосан айблилик масаласи ҳал этилмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Судланувчи З.Мга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи О.Зга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги қайд этилсин.



Жабрланувчи О.З ва судланувчи З.Мга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишлари тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ашёвий далил - “Samsung A25” русумли телефон аппарати ва 100 АҚШ доллар жабрланувчи О.Зга қайтарилганлиги қайд этилсин.

Ашёвий далил - ҳодиса жойида ўрнатилган кузатув камерасидан олинган видеотасвир туширилган бир дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида, устидан шу ажрим чиқарилган шахас ва жабрланувчи эса ажрим нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар суди орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят беришга, прокурор эса хусусий протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Н.Ашуrow

